# ХАЛ КИЛУВ КАРОРИ.

2002 йил 24 июл Фаргона шахри.

Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судининг судьяси Н.Абидова, Узбекистон Республикаси МЖтК 183 моддаси 1 кисми билан ва 194 моддаси 1 кисми билан жавобгарликка тортилган М.И.Тожибоеванинг маъмурий иши буйича чикарилган ажрим юзасидан хукукбузар кассация тартибида келтирган шикоятини куриб чикиб, куйидагиларни

## АНИКЛАДИ:

Жиноят ишлари буйича Киргули туман судининг 2002 йил 11 иолдаги ажрими билан, хукукбузар Тожибоева Муътабар Ибрагимовнани судья В.В.Сиддиковни рад этиш талабномаси каноатлантирилган.

Суднинг ажримига кура, Киргули тумани ИИБ томонидан фукаро Тожибоева Муътабар Ибрагимовнага нисбатан уни 2002 йил 1 июл куни соат 22-00ларда Киргули тумани ИИБда фукаро Зайлопов Турдалини хакорат килганлигида хамда милиция ходимларининг конуний талабларини бажармай хукукбузарлик содир этганлиги тугрисидаги маъмурий материаллари туман судига мазмунан куриб чикишлик учун юборилган булиб, мазкур маъмурий материалларни суд мажлисида куриш даврида фукаро М.И.Тожибоева раислик этувчига талабнома билан марожаат килиб, хозирда узи Жиноят ишлари буйича Киргули туман судининг судьяси В.В.Сиддиковга умуман ишонмаслигини, маъмурий материалларни одилона хал этилишига шубхаланаётганлигини, дастлаб маъмурий материал уни раислигида курилиб, касддан туман прокурорига юборилганлигини, шунинг учун туман судининг судьяси В.В.Сиддиков ва барча вилоятдаги хукукни мухофаза килувчи органлари маъмурий материални куриб чикишларига карши эканлиги ва шунинг учун мазкур маъмурий материал судья В.В.Сиддиков раислигида курилишига рад этишлигини билдириб, ушбу талабини каноатлантириб, материалларни бошка вилоятда куриб чикилишини сураб марожаат этган.

М.Тожибоева томонидан суд ажрими юзасидан келтирилган шикоятида, унинг талабига асосан судья иш материаллари билан таништирмаганлиги сабабли унга ишончсизлик билдирганлигини курсатиб, ажримни конунийлигини куриб чикишни сураган.

Шикоят важларини маъмурий иш материаллари асосида урганиб чикиб, судья В.В.Сиддиковнинг мазкур иш юзасидан чикарган ажримини куйидагиларга кура бекор килиш лозим деб топилди.

Узбекистон Республикаси ЖПК 76 моддаси талабларига кура, судья шу иш буйича хар кайси тарзда илгари иштирок этган булса, ушбу ишни юритиш учун масъул булган бирор мансабдор шахснинг кариндоши булса, судьянинг холислиги ва бегаразлигига шубха тугдирадиган бошка холатлар

мавжуд булса, судья илгари шу ишни юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган булса, ишда иштирок этишига монелик киладиган холатлар деб хисобланади.

Судья хукукбузарни талабномасини каноатлантиришда юкорида курсатилган конун талабига тугри келмасада, уни асоссиз каноатлантирган. Иш материалларидан куринишича судьянинг ишни куришга монелик киладиган холатлари йук.

Юкоридагиларга кура, Узбекистон Республикаси МЖтК 319-3 моддасини куллаб,

## К А Р О Р  К И Л Д И М:

Жиноят ишлари буйича Киргули туман судининг судьяси В.В.Сиддиковнинг 2002 йил 11 июлдаги Тожибоева Мулта Ибрагимовнага тегишли маъмурий жавобгарлик хакидаги иши юзасидан чикарган ажрими бекор килинсин.

Ишни янгидан куриш учун шу суднинг судьяси В.В.Сиддиковга юборилсин.

Шикоят каноатлантирилсин.

Жиноят ишлари буйича
Фаргона вилоят судининг
с у д ь я с и :  Н.Абидова